Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 11 МАЙ. сешанба, № 32 (5.988). Сотувда эркин нархда

**ИШОНЧИМ КОМИЛКИ, ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ХАЛҚИМИЗНИ ЯНАДА БИРЛАШТИРАДИ, УНИНГ РУҲИГА МАЛҲАМ БЎЛАДИ, ИРОДАСИНИ БАҚУВВАТ, ИЙМОНИНИ БУТУН ҚИЛАДИ.**

*Ислом КАРИМОВ.*

# ХОТИРА ЧИРОҒИ ЎЧМАЙДИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ





Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари!

Бугун ўлкамизда илк бор Хотира ва Қадрлаш куни нишонланмоқда.

Мен барчангизни — жафокаш, меҳнаткаш, кўпни кўрган, катта-кичик жангларда мардлик ва жасорат кўрсатган халқимизни мана шу қутлуғ сана билан чин қалбимдан табриклайман.

Биз нима учун 9 май байрамини Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилдик?

Ижозатингиз билан шу тўғрида яна икки оғиз айтиб ўтсам.

Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

Хотира ва Қадрлаш куни деган тушунча ғоят теран маънога эга. Бу фақат фашизм балосига қарши жангу-жадалларда қатнашган, она-юрт ҳимояси учун умрини бахш этган кишиларни шарафлаш дегани эмас.

Бу муборак кунда, халқимизнинг асрлар давомида орзу-ният қилиб, интилиб келгани — ҳуррият ва озодлик йўлида ҳаётини қурбон қилиб шаҳид кетган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Намоз Ботир каби халқ қаҳрамонларини, Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар Қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари миллатимиз фидойиларини эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Хотира ва қадрлаш деганда биз аввало ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Бу ҳаётнинг гўзал ва нурафшон, юртимизнинг озод ва обод бўлишида шу муқаддас заминда яшаётган қўли қадоқ, нияти пок миллион-миллион юртдошларимизнинг беқиёс ҳиссаси бор. Бугунги Хотира ва Қадрлаш кунида мен кўпчилик қаторида ана шу камтар ва камсуқум, оддий, заҳматкаш инсонларни бағримга олиб, барчасига таъзим қиламан.

Муҳтарам дўстлар, юртдошларим!

Бугун пойтахтимиз марказида бунёд этилган муаззам Хотира майдони очилмоқда. Бу ҳам мустақиллик тафаккурининг яна бир бор намоён бўлиши, халқимизнинг табиатига ёт бўлган эски қолип ва сохта ғоялардан воз кечганимизнинг яна бир тасдиғидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда «номаълум аскар» деган тушунча нимани англатар эди?

Ўзингиз ўйланг, инсон она юрти, халқининг бахт-саодати учун омонсиз жангларда жонини фидо этсаю, унинг номи номаълум бўлса.

Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр армон бўлиб яшайди-ку ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми?

Биз учун урушларда қурбон бўлган юз минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум ва ҳеч қачон унутилмагай иншоолло.

Шунинг учун биз уларнинг номларини мана шу майдондаги муҳташам Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрлаб қўйдик.

Токи, бу муқаддас зиёратгоҳга қадам қўйган ҳар бир инсон, нафақат халқимиз, балки бутун дунё аҳли аждодларимизга, фидойи жангчиларимизга бўлган буюк эҳтиромимизни кўрсин, уларнинг хотираси қаршисида таъзим бажо этсин.

Азиз биродарлар!

Мана шу майдон марказида уруш ва айрилиқлардан беҳад қайғу-жафо чеккан, фарзандлари доғида қадди дол бўлган мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган.

Бу ҳайкал узоқ тарихи давомида не-не бало-қазоларни, жабру-зулмларни, қирғин-қатағонларни бошидан кечирган, айни пайтда ўз эркинлиги, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари учун тинимсиз курашган она Ватанимизнинг ёркин тимсолидир.

Инсон боласини она ёруғ дунёга келтиради, оқ ювиб оқ тарайди. Уни беғараз меҳри билан улғайтиради. Инсон қалбида неки олижаноб туйғулар ва одамийлик хусусиятлари мавжуд бўлса, барчаси она меҳридан, она тарбиясидандир.

Ватанга муҳаббат туйғуси она сути, она алласи билан қон-қонимизга сингади, онгимизга киради.

Шу боис она-Ватан, Ватан-она демакдир. Биз меҳр ва муҳаббатни, садоқат ва

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

# Тошкент ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 7 апрелдаги Фармонини бажариш юзасидан, ислом динига оид бой ва ноёб маънавий-маданий меросни чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш ва ушбу соҳада аҳолининг билим даражасини ошириш, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р   қ и л а д и :***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг тузилмаси ва Низоми тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, икки ой муддатда Тошкент ислом университетининг олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларини, ўқув жараёни учун зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жаҳоннинг илғор ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. 1999/2000 ўқув йилига Тошкент ислом университетининг иккала факультетининг ҳар бирига талабалар қабул режаси 25 тадан давлат гранти ва 25 тадан тўлов-контракт асосида /жами 100 та/ белгилансин.

4. Тошкент ислом университетида ўқитувчи-профессорлар таркиби талабаларга 1:4,5 нисбатда бўлиши белгилаб қўйилсин.

5. Университетга моддий ва маънавий ёрдам берувчи Ҳомийлар кенгаши таркиби ҳамда университет қошидаги исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази тузилмаси тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий аттестация комиссияси Университет тақдимномасига мувофиқ, олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари классификаторига ва илмий ходимлар мутахассисликлари номенклатурасига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

7. Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда университет қошидаги исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази Низомини ва Университетни ривожлантириш жамғармаси Низомини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

ислом таълимотига оид манбалар рўйхатини тузиш, уларни жамлаш ҳамда ташкил этилган Манбалар хазинаси фаолиятини амалга ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва уларнинг бажарилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси университет илмий-тадқиқот йўналишларини давлатнинг илмий-техника дастурлари рўйхатига киритсин ва устувор йўналишлар бўйича грантлар ажратишни назарда тутсин.

9. Мустақил Ватанга ва миллий истиқлол ғояларига садоқатли ҳамда исломшунослик, дин тарихи, ҳуқуқи ва фалсафаси бўйича ушбу университетнинг учинчи ва ундан юқори курс иқтидорли талабалари учун учта Имом ал-Бухорий давлат стипендияси жорий этилсин.

Мазкур стипендиянинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги ПФ-555-сон Фармонида ўрнатилган давлат стипендиялари миқдорида белгилансин ва уларни тайинлаш Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат стипендиялари тўғрисида Низом ва уларни тайинлаш тартиби» асосида амалга оширилсин. Ушбу тартибга тўлдиришлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

етук мутахассисларни ишга таклиф этиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий давлатларда малака оширишлари, халқаро илмий конференцияларда қатнашишлари, талабаларнинг йирик ўқув марказларида таълим олишлари, шунингдек, чет элда чоп этиладиган даврий нашрларга обуна бўлиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини харид қилиш, Манбалар хазинасини тўлдириб бориш учун ҳар йили университет буюртмалари бўйича эркин алмаштириладиган валютадаги харажатларни қоплаш учун;

университет, унинг қошида ташкил этилган исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази ва академик лицей, шунингдек, Манбалар хазинаси фаолиятини молиявий таъминлаш учун;

университетнинг ўз матбаа ва таҳририят-нашриёт базасини барпо этиш учун тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ зарур маблағлар ажратсин;

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарорига мувофиқ қисқартирилаётган енгил автомобиллардан иккитасини Тошкент ислом университети балансига бепул ўтказсин.

12. Тошкент ислом университети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлари мажбурий тартибда тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси:

университет кутубхонасини тўлдириш учун махфий бўлмаган босма асарлар ва китоб маҳсулотининг /ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, табиий/ назорат нусхаларини /2 нусхада/ бепул олувчи ташкилотлар руйхатига киритсин;

университет буюртмалари бўйича ўқув-услубий ва илмий маҳсулотларининг ўз вақтида нашр этилишини таъминласин;

университетнинг ўз матбаа ва таҳририят-нашриёт базасини барпо этишга ва унинг фаолиятини ташкил этишга ёрдам берсин.

14. Ўзбекистон Республикаси давлат ва нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларининг Тошкент ислом университетини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлари сифатида Жамғармага молиявий ва моддий-техникавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Жамғарманинг барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хорижий ташкилотлар, уюшмалар, жамғармалар ва фуқаролар учун очиқ эканлиги белгилаб қўйилсин.

15. Жамғарма барча турдаги солиқлардан ва божхона тўловларидан /божхона расмийлаштирувлари учун тўловлардан ташқари/ 5 йил муддатга озод қилинсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ва унинг таркибий тузилмалари ҳамда ётоқхонаси Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси, 55-уй /5-сон касб-ҳунар мактаби бинолари комплекси/га жойлаштирилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1999 йил 1 июлга қадар университет биноси хоналарини ўқиш жараёни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга оширсин ва бинони университет балансига ўтказсин.

Университет, исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази ва академик лицейни жойлаштиришга ажратилган бинони реконструкция қилиш, уни зарур асбоб-ускуна ва мебеллар, замонавий компьютер техникаси ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозлаш, шунингдек, дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан ҳақиқий харажатлар доирасида маблағ билан таъмин этилсин ҳамда 2000 йилдан бошлаб инвестиция дастурига киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тошкент ислом университетини ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказсинлар ҳамда миллий ва хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун университетнинг тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.

18. Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги белгиланган тартибда университетни замонавий алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси ва бошқа алоқа турлари билан таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги 175-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 6 май.

# ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Хабар қилинганидек, 7-8 май кунлари Болгария Президенти П. Стоянов расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Болгария раҳбари минтақамиз давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Бу бежиз эмас албатта. Зеро, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йили ушбу мамлакатга қилган расмий сафари икки давлат ўртасидаги муносабатлар ривожига кучли туртки берди. Давлат раҳбарлари даражасидаги мулоқотларнинг узвий давоми бўлган Тошкент учрашувларида бу яна бир карра ўз тасдиғини топди.

Пойтахтдаги музокаралар давомида кўплаб ўзаро манфаатли келишувларга эришилди. Улар орасида ҳар икки давлатда дипломатик миссиялар очиш, транспорт коммуникацияси бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, Тошкент-Бургас ҳаво йўлини очиш, Трасека лойиҳаси борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш масалаларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Қора денгиз соҳилларида жойлашган Болгария сўлим оромгоҳларга бой мамлакат. Тошкентдаги музокараларда ўзбекистонлик болаларнинг Болгариядаги бундай масканларда дам олишини ташкил этишга ҳам келишиб олинди. Айни пайтда музокараларда икки мамлакат ўртасида сайёҳлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш масаласига ҳам кенг ўрин берилди. Бу ҳам бежиз эмас. Давлатларимизнинг кўплаб диққаттортар масканларга эгалиги ва гўзал табиати бу борада ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатишни тақозо этади. Бу фойдадан холи бўлмайди.

Болгария раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи дастурига Самарқанд сафари киритилгани ҳам шундан бўлса ажаб эмас. П. Стоянов

(Давоми 2-бетда).

# «СЕН ДОИМО ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ»

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра, иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлган, юртимизнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган барча фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам эл-юртимиз обрўйини юксалтиришга, ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни ҳурматлаш мақсадида бу йил республикамизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланди. Бу — йўлбошчимизнинг нафақат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида туриб фидокорона меҳнат қилган отахон ва онахонларимизга ғамхўрлик ва иззат-икром кўрсатиш, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз улушини қўшиб келаётган фахрийларимизни ардоқлаш борасидаги хайрли ишларининг яна бир намунасидир.

Шу боис Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг бирламчи вазифаси, мамлакатимиз фуқароларининг маънавий бурчига айланди. Ушбу қутлуғ сана шарофати билан минглаб уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, совға-саломлар улашилди. Энг муҳими, уруш даҳшатларини кўрган, истибдод зулмини тортган ва истиқлол кунларига етишган фахрийлар билан мулоқотлар маънавиятимизни бойитмоқда, уларнинг ҳаётий тажрибаси Ватанимиз буюк келажагини яратишда беқиёс руҳий мадад эканлигини намоён этмоқда.

Президентимизнинг Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан амнистия эълон қилиш тўғрисидаги фармонининг эълон этилиши ҳам мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри марказида Хотира майдони барпо этилди. Халқимизнинг миллий қадриятлари, ўтганлар руҳига чуқур ҳурматни ўзида мужассам этган бу майдон миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилган бўлиб, ҳақиқий зиёратгоҳга айланди. Жанггоҳларда ҳалок бўлган, истиқлол йўлда жон фидо

(Давоми 2-бетда).

# ЯРИМ КУНЛИК МУАЛЛИМ...

Мавзу

Шу йил янги ўқув йили арафасида Бухоройи Шарифнинг азим, маърифий гўшаларидан бири саналмиш — Шофиркон тумани марказида донгдор муаллим, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 3000 дан ортиқ нодир китобдан иборат шахсий кутубхона соҳиби Жаббор ака Сатторовни бироз ҳаяжон ила шошиб кетаётган ҳолатда учратиб қолдим. У киши билан гоҳида соатлаб давом этадиган суҳбатимиз лаззатини соғиниб қолган эканманми, рости суюниб кетдим.

— Узр, — деди Жаббор ака сўрашиб-кўришиб бўлгач, — бироз вақтим зиқроқ. Ишимни битказиб, тушдан кейинги дарсимга улгуришим керак.

— Доим хайрли юмушлар ила югуриб-елиб юрасизда, чарчоқ нималигини билмай, дедим Жаббор аканинг кайфиятини суҳбатга мосламоқчи бўлиб.

Йўқ — деди Жаббор ака, — бу галгиси сиз ўйлаганчалик эмас. Туман халқ таълими бўлимига бораяпман. Нафақага чиқиш юзасидан ҳужжатларимни тайёрладим, топшираманда қайтаман. Шукур, 5—6 йил истиқлолнома сабоқларини айтиш ҳам насиб этди. Яна дунёнинг энг улуғ тилларидан бири — инглиз тилида. Ичимда бир нарса узилгандай бўлди. Ҳар гал яхши муаллимлар борлиги ҳақида ўйлаганимда Жаббор ака биринчи бўлиб хаёлимга келарди. Мана у ҳам... Жаббор ака билан ўтган мулоқотларимни эслайман. Мароқли, дардли бу мулоқотлар мени анча вақт безовта қилиб юрганлиги билан миямда ўрнашиб қолган.

Бундан ўн йилча олдин Жаббор аканинг шахсий кутубхонасининг довруғи қулоғимга чалиниб, вақт топиб бу маънавият хонасига ташриф буюрганман. Тўғриси, номини эшитиб, ҳатто кўриш ҳам насиб этмаган, ҳар бири жавоҳирга тенг китобларни кўриб ҳайратда қолганман.

— Салкам қирқ йилдан буён китоб йиғаман. Ноёб китоблардан пул аяганим йўқ. Ўқитувчида ортиқча пул бўлмайди, албатта. Газета-журналларга турли мавзуларда мунтазам

(Давоми 4-бетда).

*«Бир куни уйимизга очиқ чеҳрали, ёқимтой киши меҳмон бўлиб келди. Нормурод акам билан далаларни айланишди, тунлари узоқ-узоқ суҳбатлашишди. Кейин эшитсам, бу одам таниқли ёзувчи Одил Ёқубов эканлар. Кейинги гал келганларида у киши Нормурод акамга янги асар ёзганлиги ҳақида гапириб қолдилар. «Диёнат»нинг бош қаҳрамонига сизнинг номингизни қўйдим, лекин фамилияси сал бошқачароқ» деб кулдилар. Йиллар ўтиб, суюмли адибимизнинг йўли яна биз томонларга тушди. Лекин у вақтда... Нормурод акам ҳаётдан бевақт кўз юмган эдилар».*

*(Роза Холмуродованинг хотираларидан).*

# ДИЁНАТ

## Хотира уйғонса гўзалдир

Ҳаётда доимо аниқ мақсад билан яшайдиган, умрининг ҳар қандай ҳолатларида ҳам шу мақсад йўлидан чекинмай, дадил олға боргувчи кишилар бор. Нормурод Холмуродов ҳақидаги хотираларни эшитиб, ана шундай курашчан бир инсонни кўз олдимга келтирдим. Бир неча фазилатларини ўзимча кашф этдим: ҳалол, уддабурро, меҳнатсевар ва самимий... Ва яна бир нарсадан ҳайратга тушдимки, қишлоқ хўжалигидек мураккаб, бетиним соҳада ишлаб туриб, у доимо кундаликлар ёзиб борган экан! Шундай кундаликлардан айримларини ўқийман.

6 январ, 1963 йил. «Кечаси билан қалин қор ёғиб чиқди. Шу қишда бешинчи маротаба бундай қор ёғиши. Совуғи ҳам анчагина. Бу йилги ҳосил мўл бўлса керак...»

15 феврал, 1964 йил. «Фақат олдинга интилиш керак! Бугун ана шу ниятни кўнглимга тугдим...»

1964 йил. «Умр узоқ эмас. Ана шу озгина умрда ҳам шунчалик кўп иш қилиш кераккки, бундан сенинг халқинг баҳраманд бўлсин...»

19 март, 1979 йил. «Кимнинг ери кўп бўлса, бойдир унинг

Ватани,

Тоғи, қири мўл бўлса, кенгдир унинг

Ватани...»

Кундалик ёзмоқликнинг ноёб томонлари бор. Кундаликда кишининг ўша дамдаги кайфияти, руҳий кечинмалари, воқеликка муносабати, атрофидагилар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баён этилади. Бу фикрлар, мулоҳазалар йиллар ўтиб катта ҳаётий бурилишларга асос бўлмоғи мумкин. Гоҳида катта асарларга ҳам. Қаҳрамонимиз ўзи кейинчалик ёзган «Чўл ва одамлар» китобида кундаликларга қайта-қайта мурожаат этади.

«1972 йилнинг 6 декабри. Машина текис, тап-тақир чўлнинг ўртасига келиб тўхтади. Тўрт томонда ҳеч нарса йўқ: на қишлоқ ва на бирор дарахт. Машинадан бирин-кетин уч киши тушдик. Виктор Абрамович қўлимга бўлажак совхоз картасини тутқазди. Картани ёзаётган эдим, гувиллаб эсган қаттиқ шамол уни қўлимдан учириб кетаёзди.

— Маҳкам ушланг, — кулди Расулмат Ҳусанович. — Бўлғуси совхозингиз сал бўлмаса учиб кетай деди-я!

— Чўчиманг, — дедим мен ҳазилга ҳазил билан жавоб бериб. — Совхоз ишончли қўлларда!

Улар хайрлашиб жўнаб кетишди. Яйдоқ чўлда шофер икковимиз колдик. Энди мен директорман. Нимага? Қаерга? Тўрт томони уфққа туташиб кетган мана шу чўлгами? ...Худди жанг олдида турган командирга ўхшардим. Мана карта, жанговар вазифа ҳам берилган. Бироқ, бу вазифани бажарадиган «жангчи»лар қани?

Аллақаёқда чиябўри увиллади. Хаёлим бўлинди. Қарасам, шофер йигитнинг ранги ўчиб кетибди. «Хўш, у созанданинг овози сенга ёқаяптими?» деб ҳазиллашдим унга.

«Қўрқадиган жойи йўқ...» деди у пўстинига ўралиб. «Йигит кишининг қалбида қўрқув бўлиши керак, — дедим кулимсираб. — Ҳали кўрасан, бу ерда иссиқ уйлар, боғ-роғлар, кенг пахтазорлар бунёд этамиз. Чиябўриларга сичқоннинг ини минг танга бўлади ўшанда...»

Турган жойимизга тупроқ уйиб, устига бир консерва банкасини қўйиб, жўнаб кетдик».

— Ўша тап-тақир чўлда Нормурод ака жуда катта ўзгаришлар қилдилар, — дейди арнасойлик ўқитувчи Раиса Галиева. — Бунгача ўзлариям тиним билмади. Янги тузган совхози Юлиус Фучик деб номланган. Айни вақтда «Олтин водий» деб аталаётган бу жамоа хўжалигида у кишининг номларига қўйилган кўча ҳам бор. Юринг, сизга ўша жойларни кўрсатай...

Кўчанинг ҳар икки томонида адл тераклар саф тортган. Сал ўтиб мевазор боғ. Ён атрофга кўрк бериб турган чинорларнинг танасига қулоч етмайди.

— Нормурод ака кўчат ўтказишни яхши кўрарди, — дейди Раиса опа. — Ҳатто карталар четига ҳам дарахт экарди. Экинни шамолдан сақлайди, дерди. Чўлга келган ҳар бир киши Нормурод акага эргашиб битта кўчат ўтқазарди. Анави «Дўстлик» боғи шу тахлит бунёд бўлган. Қаранг, мана шу чинорларни тунда трактор чироғини ёқиб қўйиб экканлар. Мен у кишининг қўл остиларида ишлардим, ўзаро борди-келдимиз ҳам бориди. Оилавий йиғилишиб қолсак, Роза опам ҳазил қилиб «Бу кишини энди мен Чинор ака дейишим керакка ўхшаяпти» дерди. Ҳу анави ўрикларни кўринг, ҳар йили ҳосил беради. Тол ва теракларни айтмайсизми, қанча-қанча ёш оилаларнинг имморатини тиклади.

Роза опа билан жуда узоқ сўзлашолмадим. Очиқ-сочиқ, меҳрибон, жуссаси кичиккина бу аёл хотираларга берилгани сайин товуши титраб, кўзларидан ёш қуйилиб келаверди. Чидолмадим. Беихтиёр жавонда турган альбомлардан бирини олиб варақладим. Суратлар... Улкан фаввора ёнида қўл ушлашиб турган талаба йигит билан қиз, институт ошхонасида бўлаётган никоҳ тўйи, ота-оналари тиззасида ўтирган шўх болакай, чўл ўртасига тикилган капа ёнида ўчоққа ўт қалаётган аёл, оилавий йиғин: бахтдан масрур ота-она, атрофида ўғилу келинлар, қиз ва куёвлар, набиралар. Бир оиланинг босиб ўтган ҳаёт йўлидаги ёрқин лавҳаларни акс эттирарди бу суратлар...

— Нормурод акам билан йигирма етти йил бирга яшаб бирор мартаям қаттиқ гап эшитмаганман, — дейди Роза опа. — Уйимиздаги энг оғир пайтларда ҳам нуқул ҳазил-ҳузил гап қилиб мени овутарди. Аслида икковимизам Пахтачининг сувини ичиб катта бўлганмиз. Лекин, шаҳарда танишдик. У пайтлар Нормурод акам Тошкентдаги қишлоқ хўжалик институтида ўқирди. Тўйимиз ҳам шу институт ошхонасида ўтган. Ўқишни битирганларидан кейин иккимиз институтнинг тажриба хўжалигига — Оққўрғонга жўнадик. У ерда Нормурод акам мироб, бўлим агрономи, кейинчалик бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаб туриб, сиртдан аспирантурада ўқий бошладилар. Кўп ўтмай қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди бўлдилар. Оққўрғон туман қишлоқ хўжалик бошқармасида бош агроном бўлиб ишлаб юрган кезларида, меҳнат таътили олиб бирга Пахтачига борардик. Автобус Жиззах чўллари ичидан ўтарди. Шунда у киши менга «Қарагин, Роза, мана бу қаровсиз ерлар ишловчига зор бўлиб ётибди. Ўзим келсаммикина, шу ерларга!» дерди. Бора-бора шу истак ростга айланди. Чўлга келдик. Мана, шу ерларда яшаб қолдик...

Нормурод Холмуродовнинг кундаликларини ўқиётиб, шундай сатрлар диққатимни тортди: «13 январ, 1963 йил. Оиланг тинч бўлса, танангга куч оқиб кираверади. Рўзғордаги бор-йўқликлар ҳам билинмайди. Ҳар қандай ишни бажармоққа қодир сезасан ўзингни...» Бу сатрлар ортида теран бир мазмун зоҳир. Бир эркакнинг оиласидан ризолиги, ўзига муносиб умр йўлдоши танлай билганидан шукроналиги... Аслида оила тинчлигининг замирида эру хотиннинг ўзаро маънавий бирлиги ётади. Роза опа ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб яшади. У эрини эндигина ташкил этилган Дўстлик туманининг қишлоқ хўжалик бошқармасига етакчилик қилган йилларида, сўнг яйдоқ чўлда янги жойлар барпо этиш учун туну-кун тер тўкканида, чўлга кўчиб келаётганларга уй қуриб бериб, ўзи капада яшаганида, ёш Арнасой туманида ижроқўм раиси бўлиб ишлаган кезларида ҳам қўллаб-қувватлади, кўнглига яқин борди, чин аёллик меҳри билан ардоқлади. Оддий бир қишлоқ йигитининг эл орасида обрў-иззат топишига ҳисса қўшди. Қадимгилар «Ҳар қандай буюк эркакнинг ҳам ортида аёли бор» деган ҳикматни билиб айтишган.

Роза опа суҳбат орасида қизиқ бир воқеани сўзлаб берди. Бир куни чўл оралаб бир киши келаверган. Нормурод ака йўлига чиқиб, «Сизга ким керак?» деб сўраган. «Менга директор Нормурод Холмуродов керак, сен ўзинг кимсан?» дейди «меҳмон» унга менсимайроқ қараб. «Мен директорнинг шофериман» деган Нормурод ака. «Ие, энг яқин кишиси экансан-ку, менга ёрдам қил, ука. Директорингдан 700 гектар ер сўраб олиб бер!» «Сизга бунча кўп ер нега керак бўлиб қолди?» дейди «шофер». «Қовун-тарвуз экиб сотаман, данғиллама уй қуриб, машина оламан. Кейин сенинг ҳам тегишингни бераман» дейди «меҳмон». Шунда Нормурод ака бирданига тутоқиб кетади. «Қани тез бу ердан жўнаб қол-чи, одамлар бу жойларда сендақаларнинг ҳамёни учун ер очаётгани йўқ!» деб кутилмаган «меҳмон»ни силтаб ташлайди...

— Биз болаларнинг тарбиясига ҳам кўп вақт ажратолмадик, — дейди Роза опа. — Мен туман ЗАГС бўлимида ишлардим. Нормурод ака кунузун далада. Баъзан тунлари бирпас ўтириб, рўзғордаги камчиликлар, болаларнинг уст-боши ҳақида гаплашиб олардик.

Менинг назаримда ота-она болаларини яхши инсонлар килиб тарбияламоқ учун уларнинг ҳар қадамини қатъий назоратда тутиши, кунига ёнига ўтирғизиб узундан-узоқ насиҳат қилиши шарт эмасдай. Аксинча, болаларимиз олдида биз ўзимизни кўпроқ назорат қилмоғимиз керак. Ёш ниҳоллар бақувват дарахт илдизидан куч олиб ўсгани каби, фарзандлар ҳам бизнинг ўзимизга қараб қад ростлайди, феълимиздан андоза олади, бўйи бўйимизга, ўйи ўйимизга тенглашади. Қачонки, фарзандларимиз фазилатларимиздан қувонса, фахрланса, шундагина муддаога эришилади. Нормурод ака ва Роза опа олти фарзандни тарбиялаб, элга қўшишди. Ҳар бирлари ота-оналари каби ҳалол, меҳнатсевар. Бахтиёр, Ихтиёр, Илҳом, Олимжон. Бирлари тадбиркор, бирлари фермер. Ҳилола ва Холида нафосату маърифатни қадрлашади.

— Чўл бағридаги жуда йирик қурилишларга ўзлари бош бўлдилар, — дея эслайди Роза опа. — Дўстликдаги ун комбинатининг биринчи ғиштини ҳам Нормурод акам қўйганлар. Эндиликда бу комбинат чиқарган маҳсулотлар республиканинг турли жойларига етиб боради. Умрларининг сўнгги йилларида Ойбек номли жамоа хўжалигини бошқардилар. Мана, вафот этганларига ўн икки йил тўлди. Лекин, мен учун у киши доимо ёнимда, худди ўлмагандек, асло ўлмайдигандек...

Яна кундаликларни варақлайман. «...Иштаҳам бўғилганди. Чой ҳам ичмадим. Вагон уйчадан чиқдим. Ердан буғ кўтариларди. Бир қисм тупроқ олиб кафтимда эздим. Шунда она ер ҳиди димоғимга урилди. Сени бегона қўлларга топширмаймиз, сен бизга онасан, муқаддас ва азизсан, дея тупроқни кўзимга сурдим...»

Бу сатрлар қачон ёзилганикин? Балки бойлик кетидан кувиб чўлга келган, ўзи учун катта миқдорда ер сўраган ўша «меҳмон» орқасига қарай-қарай жўнаб кетганидан кейиноқ қоғозга тушгандир бу сўзлар?! Нима бўлганида ҳам қаҳрамонимиз умрининг ҳар лаҳзасида она ерни ардоқлай билган, ардоқлаганда ҳам юракдан, жону дилидан суйиб эъзозлаган. Ана шу ер бағрида яшиллик яратиб, уни гуркиратиб яшаган. Бундай инсонлар эса асло ўлмагай. бу ёруғ дунёда қилган эзгу ишлари, ўзгаларга кўргазган меҳр-мурувватй, яратиб қолдирган боғ-роғларию экканн чинорлари каби боқийдир уларнинг умри. Чинор умри... Аслида бундай умрлар озми?! Бугунги тинч ва озод кунларимиз шундайларнинг мардлиги, фидойилиги ва жасорати эвазига бунёд бўлмаганмикин! Нормурод Холмуродовни ҳам мен ана шу матонатлилар сафида кўрдим. Унинг умридан ўрнак олсанг, унга ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**



**Фан ютуқлари, илғорлар тажрибасига таяниб экинини парваришлаган деҳқон албатта кўзлаган ҳосилини ундиради. Шаҳрихондаги Т. Саримсоқов номли ширкат хўжалиги аъзолари олимлар билан ҳамкорликда ишлаб деҳқончиликда қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Жумладан, бу йил ҳам ғалладан мўл ҳосил йиғиштириб олиш учун дала фидойилари ҳар бир тадбирни агротехника талаблари асосида адо этмоқдалар. Ғалла майдонлари яқинда Германиядан келтирилган янги, юқори самарали «Хуссор» гербициди билан ишлов берилди.**

**СУРАТДА: ҳосилот Акром Исоқов ва ғаллачилик бригадаси саркори Иброҳимжон Мадаминов экин ҳолатини кўздан кечиришаётган пайт.**

Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

# ЗАРАФШОН — ЖИЗЗАХ СУВ ИНШООТИ

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча аҳли қатори Жиззах вилояти аҳолиси, меҳнат жамоалари ҳам юртбошимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида илгари сурилган ғояларни, парламентимиз қабул қилган қонунларни зўр қизиқиш билан ўрганмоқда, уларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ўз режаларини ишлаб чиқмоқда.

Президентимиз ўз маърузаларида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини яқин 5—7 йил ичида тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни кескин ошириш юзасидан амалий кўрсатмалар берди. Хўш, вилоятда бу борадаги ишларнинг аҳволи қандай?

Очиқ эътироф этиш кераккки, кейинги икки йилда олдинги йилларга қараганда бу соҳада муайян ишлар қилинди. Бир қатор туманларнинг олис қишлоқларига тоза ичимлик сув қувурлари, табиий газ тармоқлари тортилди. Бироқ, ҳаёт бу йўналишдги ишлар кўламини янада оширишни тақозо этмоқда. Буни тўғри англаган мутасадди раҳбарлар Фориш, Баҳмал, Ғаллаорол ва Зомин туманларида зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларга маблағ ажратиш масаласини ҳал этмоқдалар.

Вилоят ҳудудидаги мавжуд аҳоли пунктлари, қишлоқларнинг табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминланиш даражаси хатловдан ўтказилди. Хатлов натижаси шуни кўрсатдики, мавжуд 530 та аҳоли пункти ва қишлоқларнинг 327 тасида ёки 62 фоизида табиий газ, 266 тасида ёки 50 фоизида тоза ичимлик сув йўқ экан.

— Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 октябрдаги қарорига мувофиқ Зомин-Даштобод ва Зарафшон-Жиззах катта сув иншоотлари қурилиши жадал суръатда олиб борилаётир, — дейди Жиззах вилоят минтақалараро сув ўтказгичлар қурилиши дирекцияси раҳбари Мирза Бобобеков. — 1999 йилнинг биринчи чорагида бу ерда 31 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 2000 йилда тўлиқ ишга туширилади-ган бу иншоот Даштобод шаҳарчаси ва Зомин туманинининг 30 та қишлоғи ҳамда туман марказини тоза ичимлик сув билан таъминлайди.

Зарафшон — Жиззах сув иншооти 2002 йилда тўлиқ қуриб битказилади. Жорий йилда мазкур иншоотда 68 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади. Бу йирик иншоот ишга туширилса, вилоят аҳолисининг 70 фоизи тоза ичимлик сув билан тўлиқ таъминланади. Айниқса, Арнасой, Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманларида аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган талаби тўла қондирилади.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

# Таҳририятда учрашув

Хотира ва Қадрлаш айёми арафасида «Қишлоқ ҳаёти» газетаси таҳририятида ўзига хос тадбир бўлиб ўтди. Шу куни газетанинг илк сонини чиқаришдан бошлаб ёхуд шу даргоҳда ўз ижоди ва меҳнати билан жамоанинг ҳурмат-эҳтиромини қозонган, алал-хусус, элга танилган бир гуруҳ фахрий журналистлар, марҳум ижодкорларнинг оила аъзолари таҳририят меҳмони бўлишди.

Газета Бош муҳаррири фахрийларни 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан муборакбод этди, уларга узоқ умр ва пир-бадавлат яшаш бах-

## ДИЙДОР

ти насиб этишини тилади. Шунингдек учрашувда марҳум ижодкорларнинг муборак номлари эъзоз билан қайта-қайта тилга олинди. Уларнинг оилалари билан таҳририят ижодий ходимлари ўртасида эҳтиром ва қадрият анъаналари доимо устувор бўлиб қолиши ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги таъкидланди.

Учрашув сўнггида фахрий-меҳмонларга таҳририятнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# «ШИРИН» ШИРКАТГА АЙЛАНДИ. БУ ЁҒИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Девордай тик Керага тоғининг адирлари тугаган ерларга жойлашиб қолган Обшир, Жобу, Мўминқул қишлоқлари «Ширин» жамоа хужалигини ташкил этади. Бу қишлоқларнинг истиқоматчилари асосан боғдорчилик билан шуғулланишади. Мустақиллик йилларида эса ғаллазорлар кенгайиб кетди.

Бултур кўпдан кўп асосли... сабабларга кўра Олтинсой туманида узум етиштириш кескин қисқариб кетди. Бунинг учун айбни биров сувга, биров булутга, яна биров эса шамолга тўнкади. Фақатгина биз зикрини қилаётган «Ширин» боғбонлари бурноғи йилги кўрсаткичларни сақлаб қолдилар-бултур 3067 тонна узум етиштирилди. Шундоқ бўлса ҳам режани бажаришга 220 тонна узум етмади. Лекин туман ҳокимлигидан пешқадам хўжаликни суриштирадиган бўлсангиз сизга «Ширин»ни рўпара қилишади.

Ҳозир ҳамма нарса пул билан ўлчанади ва бу табиийдир. Чунки, пул-бозор иқтисодининг асосий ўлчов бирлиги. Бултур 461 гектар токзор «Ширин»га 76 миллион сум даромад берди. Соф фойда эса 19 миллион сўм бўлди. Лекин ҳосилдорлик 61 центнер бўлиб қолганлигини ҳисобга олсак, ҳалиги рақамларга ҳайратланишнинг ҳожати йўқлиги маълум бўлиб қолади. Чунки бу ерларда илгарилари ҳосилдорлик 100—150 центнердан ошган. Агар хўжалик бўйича шу курсаткичлар таъминланганида боғбонлар пулни халтага солиб юришар эди. Аммо бултур улар 17 миллион сум иш ҳақи билан кифояланишди.

Жами токзорларнинг 200 гектарини саноатбоп узум ишғол қилади. 1230 тонна узум қайта ишлаш учун мусаллас заводларига сотилди. Арзон-килоси 20 сўмдан. Қайта ишловчилар ҳам аввалига ваъдани катта бериб узумни олишди. Орадан уч кун ўтибоқ узумнинг пулини тўлай бошлаш тўғрисида шартномалар имзоланди. Аммо насия+савдо насиялигини билдирди-қўл билан бериб оёқ билан югуришга тўғри келди: шундаям она сутидан ҳалол» ҳақни тўлиқ ундиришнинг иложи бўлмади. Масалан, Денов туманидаги «САВБ» деган ҳиссадорлик жамияти 12 миллион сўмлик узумни «Ширин»дан насияга... сотиб олган эди. Орадан олти ой ўтганда ҳам орани очиқ қилмади-тўқсон туккизинчи йилнинг март ойида ҳам ўша ўн икки миллион сумнинг 1.627 минг сўми насия бўлиб турган эди. «САВБ»дан ундирилган пуллардан ҳам «Ширин» барака топмади. Чунки «САВБ» «Ширин»га пулнинг ўрнига вино,

## ЗАМОН — ИЗЛАНГАННИКИ

«Олтин воҳа» деган ўз арогини таклиф қилди ва «Олсангшу, бўлмаса...» деди. «Ширин» ҳам тақдирига рози бўлиб, таклифга кўнди. Яна, сиз, бу қишлоқларнинг истиқоматчилари нуқул вино билан арок ичар экан деб ўйламанг. «Ширин» «САВБ»дан худонинг кў-ўп ароғи билан виносини олиб, уни пулга айлантириш илинжида харидор излади. Топди. Аммо яна ҳеч ким «Ширин»га пул бермади-мол таклиф қилди. «Ширин» яна ноилож рози бўлди. Шу тариқа олти минг метрдан зиёд юқори ва ўрта босимга мўлжалланган қувур топишди. Хўжалик эҳтиёжи учун зарур бўлган бошқа моллар ундиришди.

— Нима, Олтинсойда Президент Фармонларининг ижросини назорат қиладиган идоралар йўқми? — дедим «Ширин»нинг раиси Ўрозали Амировга.

— Солиқ идораси менга йигирма уч минг, бош ҳисобчига ўн тўққиз минг жарима тайинлади, — деди раис.

Умуман, бултур «Ширин» 12 миллион сум соф фойда олди.

Олтинсойдаги кўпгина хўжаликларнинг даромади харажатини қопламаганлигни ҳисобга оладиган бўлсак, «Ширин» эришган натижа... намуналидир. Аммо саккиз минг нафар инсон истқомат қиладиган хўжаликда ўн икки миллион сўм билан илгарилаб, илгрилаб... қаерларгача борса бўлади? Амировнинг айтишича, ҳозирги шароитда ўн икки миллион сўм фойда билан кўп ҳам илгарилаб бўлмайди. Ва бу-айни ҳақиқатдир! Чунки, замоннинг зайли ижтимоий масалаларни тезроқ ҳал этмоқ масаласини долзарблаштириб юборяпти. Ҳозир 1400 та хонадоннинг бори йўғи 200 тасида табиий газ ёняпти, холос. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси ҳам долзарблигича қолмоқда. Чунончи Обшир қишлоғининг истиқоматчилари ҳовузлардан сув ичаётганини тоғдай сабаб билан ҳам... оқлаб бўлмайди. Энг муҳими, халқимиз кундан кунга яхшироқ, фаровонроқ, маънилироқ истиқомат қилишга интилмоқда. Маъмурчиликнинг манбаи эса битта-ер! Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш ҳажмини кескин кўпайтирмасдан туриб фаровонликка эришиб бўлмайди. «Ширин» токзорларининг ҳосилдорлиги имкониятдагидан анча паст экан-бунинг учун ким айбдор? Юзаки қараганда боғбон айбдорга ўхшаб кўринади. Масалан мен «Ширин» боғбонларини ҳеч қачон, тажрибасизликда ёки дангасаликда айбламаган бўлардим: ҳамма жонининг борича ишлаяпти, аммо жаҳон андазалари даражасига кўтарилиб бўлмаяпти. Бўлмаса, Америка боғбонига қараганда Олтинсойнинг боғбони кўп ва қаттиқ меҳнат қилади. Аммо иккови икки хил натижага эришади.

... Хуллас, «Ширин» жамоа хўжалиги ширкатчилар уюшмасига айлантирилди. Ана энди боғбон ҳам, деҳқон ҳам, чорвадор ҳам шартнома билан меҳнат қилади: фойдаси ҳам ўзиники, зиёни ҳам ўзиники. Шакл мазмунни ўзгартирмай кўрсинчи! Зотан, бу-замоннинг зайлидир.

**Тожиддин РАЗЗОҚ.**

# ҲИСОБОТ-САЙЛОВ: ҚУРУҚ ГАПДАН АМАЛИЙ ИШ АФЗАЛ

***Касаба уюшма ташкилотларининг ваколат муддати ҳақидаги тартиб-қоидаларга асосланиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раёсатлари қабул қилган қарорларга мувофиқ май-июль ойларида агросаноат мажмуи касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотлари ва бирлашган қўмиталари, август-декабрь ойларида туман, шаҳар, вилоят республика қўмиталари, 2000 йилни январида эса Марказий Қўмитасининг ҳисобот-сайловлари ўтказилади. Муштарийларимиздан таҳририятимизга ҳисобот-сайловларни ўтказиш тартибига оид бир қатор саволлар келаяпти. Уларга қуйида мутахассис жавоб беради.***

Касаба уюшмаси ташкилот ҳисобот-сайлов йиғилишида қилинадиган маърузада барча йўналишлари бўйича фаолият чуқур таҳлил этилиши, ишни тубдан такомиллаштириш, тизимни ва молиявий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қандай аниқ тадбирлар амалга оширилиши лозимлигини кўрсатиб ўтиш талаб этилади. Шу асосда касаба уюшмаси келгусидаги ҳаракатининг яхлит дастури ишлаб чиқилади. Касаба уюшма қўмиталарининг ҳисобот маърузалари даставвал ушбу касаба уюшма органларининг мажлисларида, пленумларида, тафтиш комиссияларнинг ҳисобот маърузалари эса — уларнинг мажлисларида муҳокама этилади ҳамда тасдиқланади.

Президентимиз И. А. Каримовнинг 1995 йил 16 мартда касаба уюшма фаоллари билан учрашувда таъкидлаганларидек, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, бозор иқтисоди ва мулкчиликнинг кўп қиррали шароитида касаба уюшмасининг позициясини аниқлаш, касаба уюшмаларида юз бераётган ижобий ва салбий жараёнларни таҳлил этиш, белгиланган дастурларни амалга оширишнинг восита ва услубларини аниқлашда ягона ёндошувларни ишлаб чиқиш ҳисобот-сайловлар даврида диққат марказида бўлиши зарур. Устав ва асосий қоидаларга киритиладиган ўзгаришларни, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларинти ҳимоя қилишда касаба уюшмаси ташкилотларининг ўрнини муҳокама қилишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Марказий Қўмита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман қўмиталарига билимдон мутахассис ва янгича фикрлайдиган, ўз ишининг фидоийси, одамларга ғамхўр, истиқлол ғояларига садоқатли ходимларни жалб этиш кераклигини яна бир бор таъкидлайди. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислари ва касаба уюшма фаоллари Президентимиз И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида — жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳақидаги фикрини тўла англаб етишлари керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари одатда ишдан ташқари вақтда ўтказилади. Сменали иш йўлга қўйилган корхоналарда уларни ташкил этиш тартиби касаба уюшма қўмиталари томонидан белгиланади. Касаба уюшма гуруҳи ташкилотчилари ва цех қўмиталари ҳисобот-сайлов тўғрисида касаба уюшма аъзоларини камида 5 кун аввал, касаба уюшма ташкилотчилари, бошланғич ташкилотларнинг қўмиталари камида 10 кун аввал, туман, шаҳар, вилоят, республика қўмиталари камида

## Саволларга жавоб берамиз

бир ой аввал хабардор этадилар. Бундай тартиб касаба уюшма аъзоларига сайловларда фаол қатнашиш ва ўз фикр-мулоҳазаларини олдиндан тайёрланиб айтиш имконини яратиб беради.

Бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловлар касаба уюшма йиғилишларида ўтказилади. Умумий йиғилиш ўтказишнинг имконияти бўлмаган йирик бошланғич ташкилотларда юқори касаба уюшма органининг ижозати билан конференциялар ўтказишга руҳсат берилади. Конференцияларга делегатлар сайлаш тартиби тегишли касаба уюшма қўмитаси томонидан белгиланади.

Туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшма қўмиталари ва тафтиш комиссиялари касаба уюшма конференцияларида ҳисобот берадилар ва сайланадилар. Касаба уюшмалари конференцияларига, қурултойларига вакиллик меъёри ва делегатлар сайлаш тартиби тегишли касаба уюшма қўмиталари томонидан белгиланади. Касаба уюшма органи раёсати (бошланғич ташкилот қўмитаси) конференцияга, қурултойга сайланган делегатларни улар тақдим этган хужжатлар асосида ваколатларни кўриб чиқади, тасдиқлайди ва ушбу қўмита раёсати гувоҳномаларни топширади. Конференцияларда, қурултойларда ваколат комиссиялари сайланмайди ва вақтинчалик гувоҳномалар берилмайди.

Конференцияга ёки қурултойга делегатлар сайлаш билан бир қаторда касаба уюшма ташкилотлари очиқ овоз бериш йўли билан юқори касаба уюшма органлари таркибига номзодлар бўйича таклифларни киритишлари мумкин. Бунда, тавсия этилган номзодларни сайлаш ёки сайламасликни тегишли конференция, қурултой ҳал қилади. Касаба уюшма ташкилоти аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган ҳисобот-сайлов йиғилиши, делагатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган касаба уюшма конференциялари, қурултойлари ҳуқуқли хисобланади. Барча касаба уюшма органларини сайлашда улар таркибини мунтазам янгилаб туриш ва раҳбарликка заҳирадаги кадрларни тавсия этиш принципига амал қилиниши лозим.

Йиғилиш, конференция, қурултой касаба уюшма органи ҳамда тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузаларини эшитиб, муҳокама этиб ва улар юзасидан қарор қабул қилгандан сўнг сайлов ўтказилади. Сайлов ўтказишдан аввал йиғилиш касаба уюшма органининг сон жиҳатдан таркибини аниқлаб олади. Йиғилиш қатнашчиси, конференция, қурултой делегати бўлган ҳар бир касаба уюшма аъзоси касаба уюшмаси органи таркибига ўз номзодини таклиф этишга ҳақли.

Йиғилиш қатнашчилари, делегатлар кўрсатилган номзодларни номма-ном муҳокама этадилар. Рад жавоби тушмаган номзодлар сайловлар ўтказиш учун рўйхатга киритилади.

Касаба уюшма органларини, тафтиш комиссия аъзоларини ва конференция, қурултой делегатларини сайлаш бўйича овоз бериш шакли (очиқ ёки ёпиқ) тўғрисидаги қарор йиғилиш томонидан қабул қилинади. Ёпиқ (яширин) овоз беришни ўтказиш учун саноқ комиссияси сайланади. Бу комиссия раис ва котибни сайлайди ҳамда бу ҳақда 1-баённома тузилади. Кам сонли касаба уюшма ташкилотларида овоз бериш натижаларини санаш раислик қилувчига ёки касаба уюшма аъзоларидан бирига топширилиши мумкин.

Овоз бериш тугаллангандан сўнг саноқ комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобот беради. Сайлов натижалари йиғилиш томонидан тасдиқланади. Йиғилишда иштирок этган касаба уюшма аъзоларининг, конференция, қурултой делегатларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган номзодлар сайланган деб ҳисобланади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш, уларни ўтказиш, натижалари бўйича ҳисобот ва маълумотларни тўғри тайёрлашда касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш — Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар қўмиталарининг асосий вазифаларидан биридир.

**Азиз АЗИМОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг ташкилий ишлар бўлими мудири.**

